



XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2021 - yil 22 - dekabr

VI-30-110-3-0-K/21

Jizzax viloyati hokimligi

“Президент арчаси” байрам тадбирларини юқори савияда ўтказиш тўғрисида

Янги 2022 йилнинг кириб келиши муносабати билан, байрамга юқори савияда тайёргарлик кўриш, “Президент арчаси” байрам тадбирларини муносиб нишонлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, Бюджет кодексининг 126-моддаларига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимлигининг таклифи маълумот учун қабул қилинсин.
2. Вилоят молия бош бошқармаси (Рахматуллаев)га “Президент арчаси” байрам тадбирларини муносиб нишонлаш мақсадида вилоят маҳаллий бюджети даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ва эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан 48,0 (қирқ саккиз) млн. сўм маблағни вилоят ҳокимлигига ажратиш вазифаси юклансин.
3. Вилоят ҳокимлиги ишлар бошқармаси (А.Абдувахобов)га ажратилган маблағлардан “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга қатъий риоя этган ҳолда мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.
4. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов

ЗИММАСИГА ЮКЛАНСИН.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев